

*Ш.Ў.Джанадилов,
Стажер тадқиқотчи-изланувчи,
ТДИУ*

МАМЛАКАТЛАР СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИБ БОРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиётини таъминлашда суғурта фаолиятини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир” 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам “Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири – тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда”¹ – деб таъкидланади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимоли бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлиб ривожланиб бормоқда, ҳамда аниқ суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келмоқда. Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъий назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир.


Жаҳон амалиётида суғурта бозорининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу бозорнинг ривожланганлик даражаси суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улуши билан ифодаланади. Дунё бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмининг ҳудудлар ялпи ички маҳсулотидаги улушини(% да) 1-расмдан кўришимиз мумкин. Ушбу расмдан кўришиб турибдики, Ғарбий Европа давлатларида суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 8,3% бўлиб, бу кўрсаткич Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари кўрсаткичларига нисбатан уч баробар ортиқдир. Бутун жаҳон мамлакатларидаги суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ўртача улуши 6,8%ни ташкил қилиб, энг паст кўрсаткич 2,5%ни Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ташкил этади.

Суғурта компаниялари суғурта бозорининг институционал таркиби асосини ташкил этади. Молиявий нуқтаи назардан улар суғурта жамғармасини

¹ Каримов И.А. “Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир” 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси// “Халқ сўзи” газетаси 2003 йил, 18 февраль.

ифодалаш шакли, суғурта жамғармасига қаратилган ресурслар эса – узоқ муддатли кредитлар манбаи ҳисобланади. Масалан, АҚШда суғурта компанияларининг молиявий ресурслари, саноат ва савдо компанияларига берилган узоқ муддатли кредитларнинг тахминан 50%и тўғри келади.

Суғурта мукофотлари ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (%да)



1-расм. Суғурта мукофотлари ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (%да)²

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Европа Иттифоқида 2011 йилда дунёнинг 20та энг катта суғурта компаниялари томонидан тўпланган жами суғурта мукофотлари миқдори 1,015 трлн. АҚШ долларини ташкил этган ва бу кўрсаткич 2010 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 0.8%га кам бўлган. (1-жадвал).³ Жадвалдан кўришиб туриблики, 2011 йилда АХА(Франция)нинг тўплаган суғурта мукофотлари 6,18%га қисқарганига қарамадан, дунё бўйича энг катта суғурта компанияси бўлиб қолган. АҚШнинг UnitedHealth Group компанияси 2011 йилда ўсиш суръати бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган бўлиб, суғурта мукофотлари 7,7%га ва компаниянинг умумий фойдаси 8,1% ўсган.

² Манба: http://www.swissre.com/media/news_releases/nr_20110706_World_insurance_in_2010.html

³ РА «Стандарт-Рейтинг» http://www.standard-rating.com/data/upload/Researches/insurance_review_UBR21_22.pdf

1-жадвал

2010-2011 йилларда дунёнинг 20та энг йирик суғурта компанияси томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми (млн. АҚШ доллари, %да)⁴

Т/р	Компаниялар	Суғурта мукофотлари			Умумий фойда		
		2011	2010	Ўсиш суръати	2011	2010	Ўсиш суръати
1	Аха S.A. (Франция)	103887	110725	-6,1%	111026	118721	-6,4%
2	UnitedHealth Group (АҚШ)	91983	85405	7,7%	101862	94155	8,1%
3	Allianz SE (Германия)	89354	91063	-1,8%	133530	141346	-5,5%
4	Assicurazioni Generali SpA (Италия)	89174	97179	-8,2%	104443	120536	-13,3%
5	Nippon Life Insurance Co. (Япония)	63153	59244	6,6%	86812	82285	5,5%
6	WellPoint Inc. (АҚШ)	55970	53974	3,7%	60711	58699	3,4%
7	China Life Insurance (Group) Co. (Хитой)	50347	48212	4,4%	58676	58454	0,3%
8	Aviva plc (Англия)	49516	56000	-11,5%	45588	48549	-6,1%
9	Zurich Financial Services Ltd. (Швейцария)	47748	47559	0,4%	52983	67857	-21,9%
10	Dai-ichi Life Insurance Co. (Япония)	42731	45562	-6,2%	58973	65116	-9,4%
	Жами (ўртача):	1015022	1022991	-0,7%	1276754	1332193	-2,4%

АҚШнинг UnitedHealth Group компанияси тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми бўйича АХА компаниясидан кейинги ўринда турган бўлсада, 2011 йилда 92 млрд. АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотларини тўплаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, АҚШда йиғилган жами суғурта мукофотлари мамлакат ЯИМдаги улуши 2004 йилда 11,2%ни ташкил этган бўлса 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 9,3%га тушганини кўришимиз мумкин. Австралия ва Японияда эса 2010 йилда ўсиш кузатилган ва суғурта мукофотлари мамлакат ЯИМдаги улуши 7,1%га етган. Бундан ташқари, 2010 йилда йиғилган жами суғурта мукофотлари мамлакат ЯИМдаги улуши Кореяда – 10,2%, Португалияда – 6,1%, Нидерландияда – 9,3%, ривожланган Европа давлатлари: Австрияда – 5,7%, Германияда – 6,8%, Италияда – 6,9%, Францияда – 8,5%, Швецияда – 13,4% бўлса ва Японияда – 7,1%ни ташкил қилганини кўрсатяпти, (2-жадвал).

⁴ http://www.standard-rating.com/data/upload/Researches/insurance_review_UBR21_22.pdf

Суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакатлар ЯИМдаги улуши
(%да)⁵

Мамлакатлар Номлари	Йиллар						
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Австралия	6,3	5,9	5,7	6,1	5,6	5,2	7,1
Канада	7,7	7,6	7,7	7,9	6,8	5,4	7,3
Франция	9,5	10,1	12,4	11,3	9,3	10,4	8,5
Германия	7,1	7,3	6,9	6,7	6,6	6,7	6,8
Япония	7,0	7,2	7,1	7,5	8,2	8,8	7,1
АҚШ	11,2	10,6	10,7	10,8	10,6	11,3	9,3

Иқтисодиётнинг умумий суғурта сектори жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан кейин сезиларли даражада тушиш реакциясини кўрсатди. 2009-2010 йилларда ўртача ялпи суғурта мукофотлари тушуми салбий натижаларни кўрсатди.

Суғурта секторининг ҳудудий ўсиш кўрсаткичлари 2009 йилда бутун Ғарбий Европа умумий суғурта сектори 6%гача қисқарди, кейин 2010 йилда яна 1%дан ортиқ қисқарди. Ва аксинча, 2009 йилда Шимолий Америка умумий суғуртаси жуда яхши кўрсаткичларга эришди(-2,4%) ва бу суғуртачилар 2010 йилда 3%ли ижобий натижани қўлга киритдилар.

Жаҳоннинг бошқа давлатлари, яъни Лотин Америкасининг бир қисми, Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Марказий, Жанубий ва Шарқий Осиё, Океания ва Африка давлатлари ва Япония барча даврларда ўсиш суратининг ижобий кўрсаткичларига эришдилар, ҳамда 2010-2011 йилларда умумий суғурта сектори бўйича 15,6-17,8%ли ўсиш кўрсаткичини қўлга киритдилар.

Умумий суғуртадан фарқли равишда, ҳаёт суғуртачилари Европа ва АҚШда кучли тушиш кузатилмади ва 2010 йилда ўртача ялпи суғурта тушуми ўсиши -1%ни кўрсатди, аммо самарадорлик диапазонида қарасак компанияларнинг тахминан ярми 2009 йилга нисбатан салбий кўрсаткични кўрсатган.

2009 йилда жаҳонда ҳаёт суғуртаси ҳудудий кўрсаткичлари ўсиши 4,9%га қисқарди. Бу кўрсаткич умумий суғурта сектори кўрсаткичларига нисбатан тахминан 3%га кўп ҳисобланади. Ҳаёт суғуртаси ялпи суғурта мукофоти

⁵ Манба: World insurance in 2010 – sigma Swissre.com

http://www.swissre.com/media/news_releases/nr_20110706_World_insurance_in_2010.html

Шимолӣ Америка секторида 12,7%га ва худди шу вақтда Ғарбий Европа секторида 8,8%га қисқарди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам суғурта бозори ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз бераяпти. Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди ва мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Сўнги икки йил мобайнида давлат томонидан суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. 2008 йилда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ -872-сонли Қарори қабул қилинди. 2009 йилда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичлари⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Суғурта компаниялари сони жами	25	26	31	32	33	37	33
Шу жумладан:							
- умумий суғурта тармоғида	24	25	30	31	32	34	31
- қайта суғурта тармоғида	1	1	1	1	1	1	1
Ихтисослаштирилган брокерлар	2	2	3	1	1	3	3
Актуар ташкилотлар	-	-	-	1	2	2	2
Суғурта мукофотлари, %	129,7	148,1	119,7	165,8	117,3	153,9	135,0
Суғурта тўловлари, %	143,8	126,1	178,2	133,5	130,4	142,7	101,0

Бугунги кунда, бир томондан, Ўзбекистонда суғурта фаолияти кенг қўламли имкониятларни ўзида мужассам этган бўлса, иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғуртага бўлган талаби ҳам ортиб

⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бормоқда. Бунинг далили сифатида Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг 2006-2012 йилларда ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда берилган. Жадвал кўрсаткичларидан кўриш мумкинки энг кўп суғурта тўловлари 2008 йилда амалга оширилган.

Ўзбекистонда суғурта бизнеси ривожланишнинг бир нечта босқичларини босиб ўтиб, суғурта ва қайта суғурта бозорида хорижий капиталнинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Суғурта бозорининг давлат назорати тизими такомиллашмоқда. Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан 2012 йилда юридик ва жисмоний шахсларга 46 млрд. сўм суғурта қопламалари тўланган, ушбу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 5,8 баробарга ошган.

2012 йилда Ўзбекистонда 33 та суғурта компанияси, жумладан, иккитаси ҳаёт суғурта тармоғида, 31 таси умумий суғурта тармоғида, биттаси фақат қайта суғурталаш фаолияти билан шуғулланган. Шунингдек суғурта бозорида учта суғурта брокери, иккита актуврийлар ташкилотлари фаолият олиб борди. Ҳаёт суғуртаси тармоғида тўрт класс бўйича, умумий суғурта тармоғида 17 класс бўйича 150 дан ортиқ хизмат турлари таклиф қилинган. Суғурта бозорида нодавлат суғурта компаниялари улуши даврий ўсиб бормоқда. 2012 йилда нодавлат суғурта ташкилотларининг суғурта бозоридаги улуши 59,9 фоизни ташкил этди. Бу эса Ўзбекистон суғурта бозори жаҳон тамойилларига мос равишда барқарор ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, барча давлатларда суғурта фаолиятининг мақсади мамлакатнинг экспорт-импорт операциялари, туризм ва автотуризм, чет эл физик ва юридик шахсларининг мамлакатдаги мол-мулк муносабатлари, ҳамда қўшма корхоналар фаолиятида миллий пул бирлигини ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этиш ҳисобланиб, ҳозирги босқичда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш нуқтаи-назаридан миллий суғурта бозори, бу мавжуд иқтисодий реалликнинг намоён бўлишидир. Бундай иқтисодий реаллик бозор иштирокчилари – суғурта қилдирувчи, суғурта қилувчи ва давлат иштирок этадиган объектив муносабатларда шаклланади.